ЛИСОНИЙ БИРЛИКЛАРНИНГ СИНТАГМАТИК МУНОСАБАТИ

А.Нурмонов

В статье определена сущность синтагматических отношений, освещены формы и своеобразие их проявления в различных языковых системах.

In this article the essence syntagmatics of the attitudes is determined, the forms and originality of their display in various language systems are covered.

Лисоний бирликлар ўзаро парадигматик муносабатдан ташқари, синтагматик муносабатга ҳам киришади. Сўзловчи нутқ жараёнида ўзаро парадигматик муносабатда бўлган бирликлардан бирини танлаши билан биргаликда, танланган лисоний бирликни бошқа лисоний бирлик билан кетма-кет ҳолда тўғри боғлаш кўникмасига ҳам эга бўлиши керак бўлади. Лисоний бирликлар нутқ жараёнида сўзловчининг субъектив хоҳишига кўра эмас, балки тилнинг маълум бир даврида амал қилувчи тил тузилишининг қонуниятига кўра бир-бири билан боғланади. Бу шуни кўрсатадики, тилнинг ҳар бир сатқ бирликлари шу сатҳ доирасида бошқаси билан боғланиш имкониятига эга. Ана шу имкониятга кўра нутқ жараёнида бир лисоний бирлик муайян парадигма аъзоларидан биттасини танлайди. Масалан, *соғинмоқ* лексемаси *юз, чеҳра, узор, рухсор, бет, афт, башара, турқ, нусха* лексемалар парадигмасидан фақат тўрттаси билан боғланиш имкониятига эга. Чунки *соғинмоқ* лексемаси мазмуний тузилиши таркибидаги ижобий баҳо семаси худди шундай семага эга бўлган дастлабки тўрт лексема билан боғланиш имкониятини беради. Сўзловчи шу имкониятни билган ҳолда тўрттасидан биттасини танлайди. Худди шунингдек, тилнинг бошқа сатқ бирликлари ҳам ана шундай бирикиш имкониятига эга. Демак лисоний бирликларнинг кетма-кет боғланиши тил тузилишининг қонунияти билан боғлангандир. Шунинг учун ҳам тил синтагматикасини ўрганмай ва тушунмай туриб, тил тузилишини бир бутун ҳолда ўрганиш ва тушуниш мумкин эмас.

Б.Н.Головиннинг фикрича, синтагматик алоқа ва муносабат қуйи сатқ бирликларининг юқори сатқ бирлиги таркибига кирганда майдонга келади. У тилнинг ҳар қандай элементини бир сатҳга мансуб ва турли сатҳга мансуб алоқа ва муносабатларга киритиш, албатта, зарур эканлигини таъкидлаган ҳолда, фонемани фонема билан, морфемани морфема билан, сўзни сўз билан, гапни гап билан муносабатини бир сатҳга мансуб муносабат ёки *дистрибутив* муносабат, фонема билан морфема, морфема билан сўз, сўз билан гап муносабатини эса турли сатҳга мансуб муносабат ёки *интегратив* муносабат ҳисоблайди.

Синхрон тилшунослик синтагматика назарияси ва парадигматика назариясини ўз ичига олади деган Ф.де Соссюр фикрига эътибор қаратган, айрим муаллифлар бу фикр билан амалда унинг грамматиканинг морфология ва синтаксисга бўлинишини кун тартибидан олиб ташлаганлигини таъкидлайдилар.

Бундай хулоса парадигмани морфологияга, синтагматикани синтаксисга даҳлдор деган бир ёқлама қараш оқибатидир. Аслида морфологияга парадигма қанчалик даҳлдор бўлса, тилнинг бошқа сатҳларига ҳам, хусусан, синтактик сатҳга ҳам шунчалик даҳлдор. Шу билан бирга синтагматика ҳам синтаксис учун қанчалик даҳлдор бўлса, тилнинг бошқа барча сатҳлари учун, шу жумладан, морфология учун ҳам шунчалик даҳлдордир. Демак, парадигматик ва синтагматик муносабат тилнинг барча сатҳларида амал қиладиган универсал муносабатдир.

Парадигма аъзоларининг хотирада ўзаро боғланиб туриши, Ф.де. Соссюр таъбири билан айтганда, in absentia лик хусусиятини, синтагматик муносабатга киришаётган аъзоларнинг нутқий жараёнда кетма-кет жойлашиши, яъни in praesentia лик хусусиятини эътиборга олиб, айрим тилшунослар парадигматик муносабатни фақат тил билан, синтагматик муносабатни эса фақат нутқ билан боғлайдилар. Синтагматик муносабатни фақат нутқ билан чеклаш унга бир томонлама ёндашувнинг, нутқий жараёнда кетма-кет жойлашиш хусусиятига таянишнинг оқибатидир. Аслида нутқий жараёнда кетма-кет воқеланаётган лисоний бирликлар маълум бир тилнинг муаяйн бир даврдаги қонун қоидалари асосида бир-бири билан боғланади. Ҳар бир сўзловчи бундай боғланиш қоидалари ҳақида кўникмага эга бўлади. Бу кўникма унинг хотирасида мавжуд бўлади. Масалан, ҳар бир ўзбек тили эгаси, феъл асосига нисбат, бўлишсизлик, замон, шахс-сон қўшимчаларини қандай тартибда қўшиб, сўз шакли ҳосил қилиш кўникмасига эга. Ана шу кўникма асосида ҳеч адашмасдан феъл шаклларини ҳосил қила олади.

Демак, синтагматика нутққа қанчалик даҳлдор бўлса, тилга ҳам шунчалик даҳлдордир. Синтагматика кўникмаси тилга доир бўлса, шу кўникма асосида синтагматик муносабатнинг воқеланиши нутққа мансубдир.

Ф.Соссюр таълимоти таъсирида кейинчалик синтагматик назария майдонга келди ва бу назария тилшунослар ўртасида қизиқиш уйғотди [1].

Шуни таъкидлаш лозимки, синтагма атамаси тилшуносликда кенг қўлланилаётган бўлса ҳам, лекин бу атамага хилма-хил маънолар юклатилмоқда. Айрим муаллифлар синтагма атамаси остида гапнинг оҳанг жиҳатидан бўлинишлари, яъни тактни тушунадилар. Бу жиҳатдан синтагма сўз бирикмасига тенг келиши ҳам, тенг келмаслиги ҳам мумкин.

Масалан, *Маҳмуд/интеллект коэффициенти бўйича/тест синовида/ жуда юқори кўрсаткичларни/қўлга киритди/* (“Маърифат”). Бу гапда бешта синтагма бўлиб, уларнинг биринчиси эга позициясидаги содда сўзга, учтаси бирикмага, бешинчиси кесим позициясидаги қўшма сўзга тенг келади.

Деразамнинг олдида/бир туп ўрик/оппоқ бўлиб/ гуллади (Ҳ.О.) гапида тўртта синтагма бўлиб, биринчи ва иккинчи синтагма бирикмага тенг келса, иккинчиси кесим вазифасидаги содда сўзга тенг келади.

Синтагма ва синтагматик муносабатни бундай тушуниш натижасида синтактик омонимияни ҳосил қилувчи воситалардан бири сифатида баҳоланди. Масалан, *Кечаги/тўйда сен кўрган йигит/студент экан* гапи икки хил синтагмаланиб икки хил маънони ифодалайди. Биринчисида *кечаги сўзи йигит* сўзи билан *(кечаги йигит),* иккинчисида эса *тўй* билан *(кечаги тўй)* синтагматик муносабатга киришади.

Бошқа олимлар гуруҳи эса синтагматик муносабат деганда суперсегмент бирликларни эмас, балки сегмент бирликларнинг кетма-кет муносабатини тушунадилар. Синтагматик муносабатни бундай тушунувчилар уни парадигматик муносабатга қарама-қарши қўядилар ва тилнинг фақат синтактик сатҳи учунгина эмас, балки худди парадигматик муносабат сингари, тилнинг барча сатҳилари учун хос эканлигини, тилнинг барча бирликлари парадигматик ва синтагматик муносабатга киришишларини эътироф этадилар.

Машҳур югаславиялик тилшунос Ф.Микуш функционал лингвистика ғояларини ривожлантирган ҳолда, синтагматик назарияга асос солди.

У нутқий фаолият тил ва нутқ синтезидан ташкил топишини эътироф этади ва лингвистик белгини ҳам тил белгиси ва нутқ белгисига бўлади.

У тил белгиси атамаси остида *автоматлшатирилган ва нисбий барқарор белгини,* нутқ белгиси атамаси остида эса *сўзловчи эҳтиёжига мувофиқ, ҳар бир нутқ актида маълум схема асосида ҳосил қилинувчи ва нутқ жараёнида бир белгини бошқаси билан эркин алмаштириш мумкин бўлган белгини* (дискурсив белги) тушунади. Натижада автоматлаштирилган белги билан дискурсив белги бир-бирига зидланади. Микушнинг таъкидлашича, нутқ белгиси (дискурсив белги) беқарор саналади. Чунки нутқ тугаши билан у қисмларга бўлиниб кетади. Ҳайвонлар тилидан фарқли равишда инсон тилининг моҳияти шундаки, нутқ жараёнининг ўзида тил белгиларидан фойдаланилган ҳолда нутқ белгиларини ҳосил қилиш имконияти мавжуддир.

Нутқ белгиси эркин ҳосил қилинар экан, демак, “структура” тушунчасини киритиш мумкин бўлади. Унинг фикрича, нутқ белгисини эркин ҳосил қилмасдан туриб структура ҳақида фикр юритиш мумикн эмас. Чунки автоматлаштирилган тил белгиси нисбий барқарор, функция ва структура нуқтаи назардан яхлитлашган, қисмларга бўлинмаслик ҳолатига келган бўлиб, фақат унинг фонологик структураси ҳақида гапириш мумкиндир.

Ф.Микуш тил белгиси билан нутқ (дискурсив) белгиси ўртасида аниқ чегара йўқлигини, ҳар иккиси нутқий актда пайдо бўлишини баён қилади, фақат тил белгиси автоматлашиши, дискурсив белги эса қисмларга ажралиши билан фарқ қилади.

Дискурсив белги қисмларга ажралар экан, демак, у муайян структурага эга бўлган бутунлик саналади. Нутқ моҳияти ҳақида фикр юритганлар бундай белгиларнинг икки аъзоли эканлигини пайқадилар. Синтагматик назария ана шу ҳолатдан келиб чиқиб нутқнинг структур синтагматик бутунлиги умумий тамойилини ишлаб чиқдилар.

Ф.де. Соссюр ҳар қандай лингвистик структурани синтагма ҳисобласа, Ф.Микуш синтагмани нутқнинг структур типи сифатида белгилайди.

Координация узоқ йиллардан буён синтагма муаммосини хиралаштириб келган эди. Синтагма назарияси эса координациянинг синтагматикадаги ўрнини аниқ белгилаб беришга имконият яратди. У синтагматиканинг бир тури сифатида эътироф этилди.

Ф.Микуш белгиларни гомофункционал ва гетерофункционал белгиларга ажратган ҳолда, координацияни синтагматик гомофункционал белгиларнинг қўшилиш усули сифатида изоҳлайди [1;29]. Гомофункционал белги атамаси остида у бир хил ихтисослашган вазифада келувчи белгиларни тушунади. Ф.Микуш алоҳида гомофункционал белгиларни монорема ҳисоблайди ва уларнинг бир вақтнинг ўзида бир неча муносабатни ифодалайдиган синтетик табиатга эга эканлигини таъкидлайди. Агар моноремалар нутқ жараёнида маълум умумий тамойил асосида кетма-кет жойлаштирилиб, муайян вазиятни ифодаласа, координация майдонга келиши баён қилинади. Координация билан дирема тушунчалари бир-бирини тақозо қилади. Икки мустақил монореманинг ўзаро муносабати диремани ташкил этади.

Шундай қилиб, синтагматик назарияга мувофиқ синтагма, албатта ўзаро диалектик бутунликни ташкил этувчи икки аъзодан ташкил топади. Бу икки аъзо ўзаро боғлиқ ва шартлангандир. Айнийликсиз фарқланиш, фарқланишсиз айнийлик мавжуд эмас.

Ҳар қандай лингвистик белги маълум қийматга эга бўлган фоноакустик моҳиятдир. Шунинг учун ҳам ҳар қандай белги айнийлаштирувчи ҳисобланади. Айни пайтда ҳар бир белги бошқасидан фарқланади.

Синтагма ҳам бир бутун қийматга эга бўлиб, айнийлик ва фарқловчилик функциларини ўзида бирлаштиради. Синтагма мураккаб қурилма бўлганлиги туфайли бу икки функция унинг икки қисмига тақсимланади. Бир қисми айнийлик, иккинчи қисми эса фарқловчилик функциясини бажаради [1;30].

Бу билдирилган фикрлар кўпроқ тилнинг грамматик сатҳига даҳлдордир.

Ҳозирги тилшуносликда синтагматик муносабат деганда бир сатқга мансуб бўлган бирликларнинг бутунлик таркибидаги кетма-кет муносабати тушунилади. Масалан, *тол* лексемаси *т, о, л* фонема вариантларининг худди шу тартибда кетма-кет жойлашиши ва бу товуш кетма-кетлигининг хотирамизда “дарахтнинг бир тури” билан боғланиш натижасидир. Худди шунингдек, *қуш, дала, сайрамоқ* лексемаларини ўзбек тилининг грамматик қоидаларига кўра кетма-кет боғлаб, *Далада қушлар сайрамоқда* гапини ҳосил қиламиз.

Фақат биринчи ҳолатда лексема таркибида сегмент бирликлар нутқий фаолиятга қадар шакл ва мазмун бутунлигига эга бўлган ҳолда сўзловчи хотирасида мавжуд бўлиб, нутққа тайёр ҳолда олиб кирилса, иккинчи ҳолатда сўзларнинг боғланиши нутқий жараёнда амалга оширилади.

Синтагматик муносабат синтактик сатҳда сўзларнинг валентлиги билан узвий боғлиқдир.

Синтактик валентлик тушунчаси ва атамаси тилшунослик тарихида 1948 йилда рус тилшуноси С.Д.Кацнельсоннинг “Грамматик категориялар” ҳақида, 1953 йилда француз тилшуноси Л.Теньернинг “Структурал синтаксис очерклари” китобида тилга олинди ва асослаб берилди.

К.И.Филичеванинг таъкидлашича, Л.Теньер 1934 йилда эълон килган “Синтаксини қандай қуриш керак” мақолаласидаёқ юқоридаги китобда ривожлантирилган асосий ғоялар баён қилинган эди[3;118].

Француз тилшуноси Л.Теньер валентлик деганда асосан синтактик валентликни тушунади. Чунки у феъл ва бевосита унга тобе боғланган вербал тугунни кичик драма билан қиёслайди. Худди спектакл каби вербал тугун, албатта, маълум жараённи, кўпроқ учрайдиган ролларни ва типик вазиятни ўз ичига олади. Саҳна фаолиятидан структурал синтаксис тузилишига назар ташланса, жараён феълга, роллар “иштирокчиларга”, вазиятни ифодаловчиларга тўғри келади. Феъл бутун вербал фразани бошқаради. “иштирокчилар” ва “вазиятни ифодаловчилар” бевосита феълга тобеланган.

Теньер “иштирокчилар”ни актантлар атамаси билан номлайди ва уларнинг ҳар қайси турини тартиб рақами билан ифодалайди: 1) биринчи актант, 2) иккинчи актант, 3) учинчи актант. Ҳаракатни бажарувчи шахс биринчи актант ҳисобланади. У анъанавий синтаксисдаги эгага тенг келади. Иккинчи актант сифатида феълдан англашилган ҳаракатни қабул қилган, унинг таъсирига учраган актантни, яъни тўлдирувчини эътироф этади.

Теньер таълимотида эга феълнинг кенгайтирувчиси сифатида анъанавий синтаксисдаги абсолют ҳокимлик белгисини йўқотади. Учинчи актант сифатида анъанавий синтаксисдаги воситали тўлдирувчилар белгиланади.

Теньер фикрига кўра, вербал фразада иштирокчилар миқдори чегараланган ва уларни доимо аниқ ҳисоблаш мумкин бўлади. Шунинг учун ҳам ана шу белгини валентлик назариясининг таянч нуқтаси қилиб олди.

Теньер томонидан валентлик феъл томонидан бошқариладиган “иштирокчилар” миқдори сифатида изоҳланади. Шунинг учун синтактик валентликни феълнинг эга ва тўлдирувчи билан потенциал боғланиши деб тушунади.

Унинг кўрсатишича, “иштирокчилар” доимо ҳам феълнинг барча валентликларини тўлдиравермайди. Кўп ҳолларда айрим валентликлар “иштирокчилар” билан тўлдирилмаган ҳолда бўш қолади.

Ана шу асосда валентлик тушунчасидан феълнинг синтактик таснифи учун фойдаланади. Феълларни ноль валентли, бир валентли, икки валентли, уч валентли феълларга бўлади[14;250].

Ноль валентли феъллар “иштирокчилар”нинг мавжуд эмаслиги билан характерланади ва у анъанавий грамматикада мажҳул (шахссиз) феъллар деб юритилади. Бир валентли феъллар битта “иштирокчи” га эга бўлади ва бир шахс ёки предмет иштирок этган жараённи билдиради. Бундай феъллар анъанага кўра ўтимсиз феъллар саналади. Масалан *Адҳам йиқиляпти.* Икки валентли феъллар “иштирокчиси” иккита шахс ёки педмет бўлган жараённи номловчи феъллар саналади. Анъанавий грамматикада бундай феъллар ўтимли феъллар деб юритилади. Масалан *Адҳам Бегалини урмоқда.*

Уч валентли феъллар учта шахс ёки предмет иштирок этган жараённи ифодалайди. Биринчи ва учинчи иштирокчи сифатида қандайдир шахс, иккинчи иштирокчи сифатида қандайдир пердмет қатнашади. Анъанавий грамматика уч валентли феълни номловчи махсус атамага эга эмас. У ўтимли феъл номи билан юритилувчи икки валентли феъллар билан бирлашиб кетади. Шунинг учун Тенъер ҳақли равишда уч валентли феъллар тадқиқида жиддий камчиликлар мавжудлиги, тадқиқотчи асосий эътиборни ана шу масалани ёритишга қаратиши лозимлигини таъкидлайди.

Л.Теньер юқорида кўрсатилган мақоласида синтактик назария соф синтактик маълумотларга таяниш лозимлигини баён қилган ҳолда, унда икки қисмни бир-биридан фарқлашни тавсия этади:

1) тилнинг грамматик категориялари, тартиб ва уни ташкил этиш тамойилларини ўрганувчи категориал ёки статик синтаксис; 2) “жонли” фраза тузилишини, унинг реал боғланиш механизмини ўрганувчи функционал ёки динамик синтаксис.

Л.Теньер гап марказида унинг барча организмини бошқарувчи феъл туришини ва бу феълнинг кенгайиши натижасида гап кўп босқичли тузилишга эга бўлишини баён қилади. Таньернинг таъкидлашича, фраза таркибидан структур бутунликлар ажралиб чиқади. Бу структур бутунликларнинг марказида феъл ҳам, от ҳам, сифат ҳам бўлиши мумкин. Марказида қандай сўз туришига кўра, бундай бутунликлар вербал, субстантив, объектив ва адвербиал “тугунчалар” деб номланади. Фраза бир ёки бир неча “тугунчалар” дан ташкил топади.

Теньер кўпинча фразанинг тузилиш маркази феъл ва унинг бирикиш имкониятига асосий эътиборни қаратди. Бу эса кейинчалик синтактик валентлик назариясининг пайдо бўлишига туртки бўлди.

У сўзнинг гапда маълум тарзда реаллашиш ва бошқа сўз билан маълум комбинацияга киришиш хусусиятини синтактик валентлик ҳисоблайди.

Л.Теньер ва С.Д.Кацнельсонларнинг бу назарияси жаҳон тилшунослигига кенг тарқалди ва янги-янги тадқиқотларнинг вужудга келишига туртки бўлди. Ҳозирги кунда валентлик масаласи билан Россия, Германия ва бошқа бир қатор мамлакат лингвистлари шуғулланмоқдалар[4;181].

Лингвистлар томонидан “валентлик” термини фақат сўзларгагина эмас, балки морфема, сўз ясалиши ва гапларга нисбатан ҳам қўлланилмоқда: морфема валентлиги (“ички валентлик”), гап валентлиги ва бошқалар[6,8].

Л.Теньер ўзининг грамматикасида гапни структур жиҳатдан таҳлил қилиш жараёнида унинг структур асоси сифатида феълга таянди.

Феъл валентлиги назарияси гапнинг вербоцентрик концепцияси натижасидир. Бунга кўра гап структурасини предикат (кўп ҳолларда феълдан ифодаланган) белгилайди ва у ўзига мувофиқ категориал белгиларга ўрин очади. Гапнинг барча компонентлари феъл-предикат валентлигига муносабатига кўра унга боғлиқ (тобе) компонентларга (улар турли терминлар билан номланади: актантлар, аргуметлар, тўлдирувчилар, партнерлар, комплементлар ва бошқалар) ва эркин компонентларга (улар ҳам турлича номланади: сирконстантлар, эркин кенгайтирувчилар, ҳоллар, адъюнктлар) бўлинади.

Валентлик назарияси жаҳон тилшунослигида кенг ёйилишга қарамасдан, ҳали унинг бир қатор чекланган томонлари бор эди. Хусусан, валантликни белгилашнинг аниқ критерияси йўқ

эди. Натижада бирикма таркибидаги тобе компонетнинг ҳоким компонетга валентлик асосида боғланганлиги ёки эркин боғланганлигина чегаралаш қийин бўлди. Кузатишлар натижасида маълум бўлдики, айрим сўзлар ўз қуршовида "очиқ ўрин" га эга бўлсалар ҳам, аммо маълум шарт-шароитларда унинг тўлдирилиши талаб этилмайди. Шунинг учун ҳам маълум критериялар асосида аблигатор ва факультатив валентликларни чегаралаш зарурияти туғилди. Натижада 60-йилларда валентлик назарияси бўйича яна кенг мунозара бошланиб кетди.

Валентилик назариясининг мукаммаллашишида Г.Хельбиг катта роль ўйнайди. У немис тили материаллари асосида феълнинг валентлик моделларини ишлаб чиқди ва "немис" тилидаги феъллар валентликлари ва дистрибуцияси луғати" ни тузди.

Бу моделлар дастлаб фақат бир сўз туркуми- феъл асосида белгиланган бўлса, 70-йилларда валентлик моделларини фақат феъл асосидагина эмас, балки бошқа сўзлар асосида ҳам белгилаш мумкинлиги маълум бўлди.

Дастлаб валентлик назариясида валентлик табиатини турлича ҳал қиладиган икки йўналиш-формал ва семантик йўналиш ажралди. Кейинги даврларда бу икки йўналиш орасида ўзаро яқинлашиш, сўз шакл ва унинг лексик маъноси валентликлари ўртасида муносабатнинг мавжудлигига эътибор бериляпти. Шундай бўлишига қарамасдан, бу муносабатнинг характери турлича баҳоланмоқда. Натижада валентликнинг кўп сатҳлилиги ҳақидаги тушунча майдонга келди. Хусусан, Г.Хельбег мантиқий-грамматик (мантиқий), семантик ва синтактик валентликларга ажратади. Г.Хельбигнинг фикрига кўра, мантиқий валентлик-бу тушунчалар мазмуни (понятийные содержания) ўртасидаги тилдан ташқаридаги (экстралингвистик) муносабатлар; семантик валентлик-семантик компонентларнинг (семларнинг) боғланиш имконияти; синтактик валентлик маълум тур ва соннинг муълум бир тилда фарқ қиладиган очиқ позицияларининг аблигатор ва факультатив тўлдирилишидир. Г.Хельбиг валентлик сатҳларининг автономлигини таъкидлади. Мантиқий–семантик валентлик синтактик валентликни фақат олдиндан белгилайди, аммо ҳеч қачон уни тамоман белгиламайди[7;144-145]

С.Д.Кацнельсон мазмуний валентлик ва шаклий валентликка ажратади. Мазмуний валентликни универсалияга киритади.

Шаклий валентликни конкрет тиллардаги предикат аргументларининг ифодаланиш шакл ва усуллари эканлигини кўрсатади [4;181, 5;5-17, 9;47-48]

Мантиқий-семантик (мазмуний) валентлик формал мантиқнинг атамаси (предикат-аргумент-структура сифатида) орқали изоҳланади.

Ҳозирги кунда кўпроқ синтактик (конфигурацион) валантлик ва семантик валентлик ажратилмоқда. Синтактик валентлик-бу маълум мустақил сўзнинг бошқа мустақил сўз билан бирика олиш потенциясидир. У маълум синтактик алоқалар структур схемаси (конфигурацияси) да [2;8-9] акс этади. Синтактик валентлик сўз маъноси билан алоқада. Демак, у семантик валентлик билан чамбарчас боғлиқдир. Семантик валентлик лексемалар ўртасидаги турли синтагматик муносабатларни кўрсатади. Масалан, ўзбек тилида *сайрамоқ* лексемаси "қушларнинг овоз чиқариши" маъносини ифодалайди. Шунинг учун ҳам худди шу семаси билан фақат қушлар сўзи билангина боғлана олади. Аммо у иккинчи семани ҳам "тез ва кўп гапириш" семасини ҳам ифодалайди. Бу семаси билан "одам" синфига кирувчи лексемалар билан ҳам боғлана олади. Бу сайрамоқ лексемасининг семантик валентликларидир.

Проф. М.Миртожиев ўзбек тилидаги феълнинг семантик валентликларини лексик – семантик, воситали семантик, шаклий семантик ва нутқий семантик турларга ажратади [11].

Валентлик назариясининг марказий масаласи аргументлар ёки актантлар (шу жумладан аблигатор ва факультатив) ва эркин кенгайтирувчиларни ажратиш ва уларнинг градацияси, гап бўлаклари билан муносабатини белгилаш масаласидир. Кўпчилик тилшунослар эга, тўлдирувчи ҳамда предикат маъноси тақозо этган ҳолларни (предикат ҳаракат феълларидан бўлса, ўрин, пайт ҳолларини тақозо этади) аргументларга, бошқа барча ҳолларни эса эркин кенгайтирувчиларга киритади[9;43-47,]

Ҳар қандай гап предикат ва унинг аргументлари муносабатининг грамматик жиҳатдан предикатив шаклда ифодаланиши экан, шу гапни ташкил этган синтактик элементлар ўртасидаги синтактик муносабатларни ҳам предикат асосида изоҳлаш керак бўлади. Уни қуйидагича кўрсатиш мумкин:

I. Предикат ва унинг актантлари муносабати:

а) субъект-предикат муносабати ёки субъектли муносабат (мослашув йўли билан);

б) объект-предикат муносабати ёки объектив муносабат (бошқарув йўли билан).

II. Предикат ва эркин кенгайтирувчилар муносабати:
Ҳолат-предикат муносабати ёки релятив муносабат (бошқарув ва битишув йўли билан).

Адабиётлар:

1. Микуш Р.Ф.Письмо в редакцию, - ВЯ.- 1959.- №5
2. Филичева Н.И.Синтаксическая поля.- М., 1977
3.Филичева Н.И. Понятие синтаксической валентности в работах зарубежных языковедов.-ВЯ.-1967.-№2.- С.118
4. Кибардина С.М.К истокам теории валентности в немецком языкознании XIX века.- В кн.: Грамматические концепции в языкознании XIX века.- Л., 1985
5. Кибардина С.М. Основы теории валентности.- Вологда, 1979
6. Степанова М.Д.Проблемы теории валентности в современной лингвистике.- Иностранные языки в школе.- 1973.- №6
7. Степанова М.Д., Хельбиг Г. Части речи и проблема валентности в современном немецком языке.- М., 1978
8. Новицкая И.М., Пашевская Т.Л.Некоторые аспекты межфразовой валентности, -Вестник ЛГУ.- 1981.- №2
9. Кацнельсон С.Д. Типология языка и речевое мышление.- Л., 1972
10. Кацнельсон С.Д.О грамматической категории.- Вестник ЛГУ.- 1948.- №2
10. Кучқартаев И.К.Валентный анализ глаголов речи в узбекском языке.- Т., 1977
11. Миртожиев М.М. Ўзбек тилидаги феъл валентлиги.- Т., 2007
13. Категория субъекта и объекта в языках различных типов.- Л.,1982
14. Теньер Л. Основы структурного синтаксиса.- М., 1988

Андижон давлат университети,
2009 йил 28 августда қабул қилинган